

Нукус шаҳри

18-январь 2022 йил

«Қорақалпоқ Дари-Дармак» масъулияти чекланган жамияти (кейинчалик матнда- "Ижрочи" деб юритилади) Устав асосида ҳаракат қилувчи директор Уразов Г. Б ва "Буюртмачи" Тахтақушир ТТБ номидан ҳаракат қилувчи **Ы. Д. Палуанов** иккинчи томондан ушбу шартномани куйидаги мазмунда туздилар:

### **1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

**1.1.** "Ижрочи" "Буюртмачи" нинг талабномаси-шартноманинг ажралмас қисми, асосида товарларни сотади, "Буюртмачи" эса олган маҳсулот қийматини "Ижрочи" нинг банкдаги тегишли ҳисоб рақамига келишилган муддатда ўтказиб беришни ўз зиммасига олади.

**1.2.** Шартноманинг суммаси: (беш юз эллик екки минг бир юз тоқсон ) сўм 51 тийин қушимча қиймат солигисиз **552 190 сум 51 тийин** (Ушбу сумма транспорт харажатларига кирмайди).

### **2. МАҲСУЛОТНИНГ СИФАТИ**

**2.1.** "Ижрочи" "Буюртмачи"га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва урамлари фармацевтик ва техник талабларга жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган, ишлатиш муддати 50%дан кам бўлмаган дори воситалари ва тиббий буюмларни сотади.

### **3. ЖўНАТИШ ШАРТЛАРИ**

**3.1.** Сотиб олинган товарларни олиб кетиш «Харидор»нинг зиммасига, ёки бўлмаса икки томон келишувига кўра олиб бориб бериш.

**3.2.** Сотилган дори воситаларини қайтариш масаласи иккала томон келишган ҳолда амалга оширилади.

**3.3.** Гиёҳванд, захарли ва психотроп дори воситаларини "Буюртмачи" томонидан тегишли ички ишлар идораларидан берилган махсус рухсатномаларни тақдим қилгандан сўнг "Ижрочи"нинг омборхонасидан олиб кетади.

**3.4.** "Ижрочи" маҳсулотни "Буюртмачи"га пўл ўтгандан кейин 10 кун давомида жўнатади.

### **4. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ**

**4.1.** "Ижрочи" маҳсулотни "Буюртмачи"га олдиндан 30% тўлангандан ,қолган 70% 10 кун давомида тулов тартиби асосида сотади

### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**5.1.** Шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни талаблари доирасида мулкый жавобгардирлар.

**5.2.** Шартноманинг 3-бандига асосан "Ижрочи" томонидан сотилган маҳсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у ҳолда «Сотувчи» сифатсиз маҳсулотни сифатли маҳсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.

**5.3.** "Ижрочи" нинг ҳисоб-фактурасида маҳсулот солинган қутилар (тара)ни қайтарилиши қайд этилган бўлса, қутилар 15 кун ичида қайтарилиши шарт. Акс ҳолда қутилар қийматидан қўйидагича жарима солинади: 15 кундан кечиктирилса 150%, 30 ва ундан ортиқ кун учун 300%.

### **6. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

**6.1.** Тарафларнинг биронтаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятлари тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолатлар (Форс-мажор), табиий офатлар, уруш эълон қилишини ёки бошланиши, қамал ҳолати, экспорт ёки импорт операцияларини ҳукумат томонидан таъқиқланиши билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлар учун жавобгар бўлмайди. Форс-мажор ҳолат бошланганлиги ва туганганлиги тўғрисида ваколатли орган томонидан берилган ҳужжатга асосан бир тараф иккинчи тарафни зудлик

билан ёзма равишда огоҳлантирилади.

### **НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

**7.1.** Шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча низолар тарафлар ўртасида ўзаро келишилган ҳолда ҳал этилади.

Ўзаро ҳал этилмаган низолар юзасидан бир ой муддатда даъво хати юборилади. Ҳал этилмаган низолар Нукус туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

### **8. ШАРТНОМА МУДДАТИ**

**8.1.** Шартнома 17.01.2022 йилда томонлар ўртасида имзоланган ва 31.12.2022 йилгача амал қилади. Шартномага асосан томонларнинг ўз заммаларига олган мажбуриятлари бажарилмай қолса, шартнома мажбуриятлари бажарилгунча амал қилади.

### **9. БОШҚА ҲОЛАТЛАР**

**9.1.** Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгариш ва қўшимчалар фақат ёзма тартибда амалга оширилади ва томонлар имзолаб, муҳрлангандан сўнг асосий шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**9.2.** Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал этилади.

**«ИЖРО КИЛУВЧИ»**

**«БУЮРТМАЧИ»**

**«Қорақалпоқ Дари-Дармак» МЧЖ**

**Тахтакупир ТТБ**

**Манзил:** г.Нукус, ул. Чимбайское шоссе 23,  
**Банк ҳисоб раҳами:**  
р/сч: 2021 0000 2003 1459 1001,  
ВЭД Нац Банк РУз ш.Нукус, МФО: 00582,  
ИНН: 200 349 896, ОКОНХ: 71212, ОКЭД:  
46460.  
**Тел/Факс:** 0(361) 224-51-71, 224-51-72.  
**Эл адрес:** kk\_daridarmak@umail.uz  
kk\_daridarmak@inbox.ru

Тахтакупир тумани Д,Гузари кучаси  
Тел : 435-20-45  
л/сч 100022860352307073101054001  
Марказий банк Ташкент шаҳар  
МФО 00014 ИНН 200390548 ОКОНК  
91511  
Тахтакупир тумани Газнашилиқ болими

**Рахбар:** \_Г.Б.Уразов



**Рахбар** \_Ы.Д.Палуанов.



Спецификация № 66 17-январь 2022 йил

| № | Махсулотноми                                   | Ул. бир | Микдори | Нархи     | Сумма     |
|---|------------------------------------------------|---------|---------|-----------|-----------|
| 1 | Пипекуроний бромид Ардуан 4мг 2 мл №25 с раств | Уп      | 1       | 552190,51 | 552190,51 |

Жами суммаси : 552190,51 сум,

«ИЖРО КИЛУВЧИ»  
"КАРАКАЛПАК ДАРИ-ДАРМАК" МЧЖ



«БУЮРТМАЧИ»  
ТТБ Тахтакупир

